

Ж-таса III.

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган **Қизилтепа туман "Ободонлаштириш" бошқармаси** номидан устав асосида иш кўрувчи (устав, низом, ишончнома) **Б.С.Жумаев** бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган "**EKSPORT TENTER SERVIS**" МЧЖ номидан Устав асосида иш кўрувчи **А.Тўраев** иккинчи томондан **Қизилтепа туман Ободонлаштириш бошқармасига қарашли "Янги Қизилтепа боғи"** даги кўчатларни сугориш тизимини жорий таъмиглаш, қуриш ва топшириш бўйича куйидаги шартномани туздилар:

I. ТАРИФЛАР

1. Бажариладиган қурилиш ишлари лойихага асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдикланганлиги тугрисидаги далолатномалар хамда қурилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдикланган далолатномаси (Форма-2) асосида иш олиб борилади.

Курилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб кўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб кўйилади;

вактингчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва қурилиш майдони учун зарур бўлган кар кандай типдаги вактингчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниклаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиши - ишларнинг хар бир боскичи ва/ёки турлари кийматини аник белгилаган холда шартнома бўйича объектнинг умумий кийматини боскичларга таксимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига **Қизилтепа туман Ободонлаштириш бошқармасига қарашли "Янги Қизилтепа боғи"** даги кўчатларни сугориш тизимини жорий таъмиглаш, қуриш ва топшириш лойихасида кўзда тутилган холда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР КИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аникланган ва тендер комиссиясининг карори (2022 йил "18" апрелдаги баённома) билан тасдикланган ишлар киймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда жорий нархларда **192 852 054** (Бир юз тўқсон икки миллион саккиз юз эллик икки минг эллик тўрт) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

курилиш кийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб
бўлганда;
ишилар хажми ва тури катъий равишда ўзгартирилмайди (конунда кузда тутилган холлар
бундан мустасно);
объектнинг курилиши бир йилдан ортикча ўзгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортик бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга
шартномавий нархларни аниклаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга
оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан
Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда
тутилган ишиларни бажариш учун:

барча ишиларни мазкур шартномада ҳамда унга __ - иловага мувофик ишиларни бажариш
жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб килинган
кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик
топшириш;

__ - иловага мувофик курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар,
конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб
бериш,

уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

курилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар куриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан
шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўгрисида
хабардор вилиш; курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишиларни бажариш вавтида
атроф мухитни, ўтвазилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза вилиш бўйича зарур
тадбирлар

бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироглари

ўрнатиш; курилиш таваккалчиликларини сугурта килиш;

курилиш майдони кўрикланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлик хажмда бажариш
мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишиларнинг ўз кучлари билан ва
субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга
тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулкий жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи: мазкур шартнома имзоланган кундан
бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага __1__ иловага мувофик ишиларни бажариш учун
ярокли бўлган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача бўлган
даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш; ишилар бажарилиши устидан доимий
кабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат килиш,
Пудратчидан тугалланган ишиларни кабул килиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва карор кабул
килиш; молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига __-иловага мувофик аванс бериш ва

жорий молиялаштиришни амалга ошириш; мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш; мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик хажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома:

миллий валюта "сўмда" ўзаро хисоб-китоб килинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб; кейинчалик ЭАВга конвертация қилган холда миллий валютада "сўмда" ўзаро хисобкитоб қилинганда - шартнома конун хужжатларига мувофик рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган курилишнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан эътиборан _30__ кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг 30 фоизи микдорида аванс ўтказади, бу 57 855 616,2 сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сунг, кейинги тulos "Бажарилган ишлар" далолатномасига (форма-2) асосан амалга оширилади.

16. Объект Буюртмачига топширилгунга кадар объектнинг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига кабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу хакда конун хужжатларида белгилangan тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган холда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор килиш хукукига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун хак тўлашдан озод килинмайди.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

18. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

19. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-курилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгилangan тартибда жавоб беради.

20. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

21. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортиқча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги хужжатларни беради.

22. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўгри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўкларининг мувофиклиги тўгри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аникланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

23. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

24. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нукталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

25. Пудратчи ўзи томонидан курилишда кўлланиладиган курилиш материаллари, асбобускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини хамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

26. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига караб уларни кабул килиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитекткурилишназорат" инспекциясини ёзма равища хабардор килади.

27. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиксиз бажарилган бўлса ёки у бу хақда хабардор килинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор килинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

28. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганини аникласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш кийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

29. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сириради ва озода саклайди, курилиш даврида майдондан курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида ахамиятга эга бўлган ҳоллар ва холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг кабул килиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлик тўхтаб колишлар, курилиш техникасининг ишдан чикиши тўгрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтирида ўз фикрини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равища кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ЕНГИБ БҮЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал қилган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равнишда узайтирилади.

32. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вактга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар кўрилишини мухокама киладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичидаги келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор қилинишини талаб килишга хаклидир.

X. КАФОЛАТЛАР

34. Пудратчи:

барча ишлар тўлик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиха хужжатларига хамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига

мувофик барча ишларни бажариш сифатини; ўзи томонидан курилиш учун кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофикалигини; объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофикалигини кафолатлади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

35. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиши "Давархитекткурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат килишини истисно этмайди.

XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ

36. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечикирилганда; ишларни тутатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда; конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб килиш хукукига эга.

37. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб кўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

38. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма карорига кўра тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

39. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур бўлим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

40. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

41. Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йўл кўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

42. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни коплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўгрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошка конун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошкacha жавобгарликка тортилади.

43. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вактида молиялаштирганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг _0,1 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг _50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод килмайди.

44. Шартномага мувофик бажарилган ишлар хажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг _0,1 фоизи микдорида жарима тўлайди.

45. Пудратчи обьектни ўз вактида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг _0,1 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси обьект шартномавий жорий кийматининг _50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилга нуксонлар ва качиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг _0,1 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод килмайди.

46. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари "Давархитекткурилишназорат" инспекциясининг хulosаси асосида обьектни кабул килиш ва унинг учун хак тўлашдан бош тортishi, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг _0,1 фоизи микдорида жарима ундириш хукукига эга.

47. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошка томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган заарларни коплайди.

48. Муддат ўтказиб юборилганилиги ёки мажбуриятларнинг бошкача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

XIII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

49. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган заарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чикилади.

XIV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

50. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

51. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алохида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

52. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва кўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хакикий хисобланади.

53. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага кўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равища тасдиқлаши керак.

54. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хак тўлашни кечикиришга хаклидир.

55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кўлланилади.

56. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

57. Шартнома имзоланиб, Газначиликдан руйхатдан утгандан сунг конуний кучга киради ва амал килиш муддати “31“декабр 2022 йилгача хисобланади.

XVI. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

58. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги “Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6313-сонли Фармонининг 3-қисм в) бандига мувофиқ:

- ҳар бир томон, шу жумладан барча ходимлар, вакиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган ёки улар номидан иш олиб борадиган бошка шахслар, бошка томонга, унинг ходимларига, вакилларига, потенциал ёки мавжуд мижозларга ва ҳар қандай тегишли Ҳамкорларига, шунингдек, бошка томон томонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритадиган бошка шахсларга (“Иштирокчи Томонлар”) моддий/номоддий рафбатлантириш, манфаат, тақдирлаш, таклифлар (шу жумладан, чекланмаган холда, ҳар қандай тўлов шакли, совгалар ва бошка мулкий имтиёзлар, мукофотлар ва манфаат (пул ёки ҳар қандай қиймат

кўринишида)) бермасликни яъни, молиявий мукофот, мулк, мулк хукукини такли қилмасликни, бермасликни кафолатлайди ва шунга мажбур.

**ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ
ВА ЙОРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:**

БУЮРТМАЧИ:

Қизилтепа туман Ободонлаштириш бошқармаси

Юридик манзили: Қизилтепа шаҳри Шодлик кўчси 45 уй.
Тел: +998 79 555 36 78
Факс: +998 79 555 36 78
ШХР: 100022860122167065200110001.
СТИР: 204584484.
Қизилтепа тумани бўйича Ғазначилик бўлинмаси.
х/р:23402000300100001010
Банк номи: Тошкент шаҳар. Марказий Банк XKKM
Банк коди: (МФО) 00014
Ғазначилик СТИР: 201122919.

Рахбар:  С.Жумаев



ИЖРОЧИ:

EKSPORT TENTER SERVIS МЧЖ

Юридик манзилгоҳ: Қизилтепа туман Вангози МФЙ

Тел: +998 91 337 00 46

Факс:

х/р: 20208000600940872001.

Банк номи: Микрокредит банк.

Банк код (МФО) 00213.

СТИР: 305784864.

ХХТУТ:

КТУТ _____

Рахбар:  Тўраев.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

1. Loyihaning turi:
Shartnoma.
2. Loyihaning nomi:
Pudrat shartnomasi.
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot:
Qiziltepa tumani Obodonlashtirish boshqarmasi. 2022.22.04

Qiziltepa tumani Obodonlashtirish boshqarmasi va "EKSPORT TENTER SERVIS" MChJ o'rtasida tuzilgan "Yangi Qiziltepa bog'i" dagi ko'chatlarni sug'orish tizimini joriy ta'mirlash, qurish va topshirish bo'yicha 192 852 054 so'mlik shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjalariiga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Bosh yuriskonsult



M.Ro'ziev
2022.26.04

26.04.2022 даги

"Export tenger servis" МЧЖ ва Кизилтепа Ободонлаштириш бошкярмаси ўртасида 192852054,00 сўм
умумий суммага тузилган 2022-33-5-72- ОВ - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб

Шахсий газна хисобварак

110

100022860122167065200110004

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет тасиифининг тегишли коди)		Жами
	4233900		
Январь			
Февраль			
Март			
Апрель	192 852 054,00		192 852 054,00
Май			
Июнь			
Июль			
Август			
Сентябрь			
Октябрь			
Ноябрь			
Декабрь			
Жами йил бўйича	192 852 054,00		192 852 054,00

Жами 192852054,00 сўм

Бир юз тўқсон икки миллион саккиз юз эллик икки минг эллик
тўрт сўм 00 тийин
сумма сўз билан

Юкоридаги кўрсатилган суммадан 0 сўм ёки 0%*** шартноманинг умумий суммасидан

% ***20 _____ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблаги олувчи ва БМЖ маблаги олувчи томонидан газначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат молласи кўрсатилади;

(***) — Юкоридаги кўрсагилган суммадан ойига _____ % жорий ойнинг _____ санаасигача хар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблаги олувчи ва БМЖ маблаги олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва конун ҳужжагларида назарда тутилган хар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берини шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш холларида тўлдирилади).



Буюртмачи бўйича туттилган

Буюртмачи бўйича туттилган 20.04.2022

Жумаев Ботир Сайдович

Ф.И.Ш.

(имзо)

Бозоров Хусниддин Ҳакимович

Ф.И.Ш.

(имзо)

Газначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди

(имзо)

Буюртмачи ходими
қабул қилди

(имзо)

«___» 20 ___ й.

«___» 20 ___ й.

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 64420 на приобретение Кизилтепа туман ободонлаштиришга карашли Кизилтепа янги богини Таъмирлаш

Способ проведения электронный

№ 1.

Дата 18.04.2022

Время рассмотрения 16.04.2022 11:02

Конкурсная комиссия Кизилтепа туман Хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш булими, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	JUMAYEV BOTIR SAIDOVICH	Бошлиқ	Қизилтепа туман Ободонлаштириш бошкармаси
Секретарь комиссии	BOZOROV XUSNIDDIN XAKIMOVICH	Бош хисобчи	Қизилтепа туман Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	NIZAMOV FARXOD SANOYEVICH	Теника хафсизлиги мухандиси	Қизилтепа туман Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	SODIQOV SHAVKAT VALIYEVICH	Кадирлар булими бошлиги	Қизилтепа туман Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	ABDULLAYEV ABDULAZIZ SHAVKAT O'G'LII	Котиб	Қизилтепа туман Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	ISMATOV OYBEK NE'MATOVICH	Бош мухандис	Қизилтепа туман Ободонлаштириш бошкармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 18.04.2022 года № лота 64420.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 56

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по техническому обслуживанию и очистке систем водоотведения и дренажных труб, включая арматуру систем водоотведения
Подробное описание	Ободонлаштириш бошкармасига карашли Кизилтепа янги богини тамирлаш ишларни бажариш учун.
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	194 800 055.00
Стартовая сумма	194 800 055.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Машина механизмлар тугрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Машина механизмлар түгрисида

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
KRISTAL-ELEGANT-INVEST MCHJ	25	25	13	Экспертная		
ООО EKSPORT TENTER SERVIS	25	25	19	Экспертная		

Критерий №2 Иш тажрибаси Ишчи түгрисида ходимлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилотни охирги уч йил мобайнида бажарган ишлари хамда конкурс объектига ухшаш объеклада бажарган ишлари түгрисида маълумот Инженер техник ходимлар ва доимий ишчи мутахассислар түгрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
KRISTAL-ELEGANT-INVEST MCHJ	25	25	15	Экспертная		
ООО EKSPORT TENTER SERVIS	25	25	20	Экспертная		

Критерий №3 Пудратчи түгрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: "Ташкилот низоми,, ташкилот такрибий структураси, ва категоряси

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
KRISTAL-ELEGANT-INVEST MCHJ	25	25	15	Экспертная		
ООО EKSPORT TENTER SERVIS	25	25	20	Экспертная		

Критерий №4 Молиявий холати

Тип: Текстовое значение

Описание: Корхонани охирги йиллик балланс хисоботлари

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
KRISTAL-ELEGANT-INVEST MCHJ	25	25	16	Экспертная		
ООО EKSPORT TENTER SERVIS	25	25	21	Экспертная		

оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО EKSPORT TENTER SERVIS	194 800 055.00	192 852 051.00	13.04.2022 22:50:26	20.00
KRISTAL-ELEGANT-INVEST MCHJ	194 800 055.00	193 600 055.00	13.04.2022 22:29:19	19.92

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:




Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО EKSPORT TENTER SERVIS	64	20	84
KRISTAL-ELEGANT-INVEST MCHJ	47.2	19.92	67.12

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 64420 от 18.04.2022 года на приобретение Кизилтепа туман ободонлаштиришга карашли Кизилтепа янги богини Таъмирлаш определила победителем:

ООО EKSPORT TENTER SERVIS
305784864

и резервный исполнитель: KRISTAL-ELEGANT-INVEST MCHJ (306371033)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	JUMAYEV BOTIR SAIDOVICH	Согласен	
Член комиссии	ABDULLAYEV ABDULAZIZ SHAVKAT O'G'LII	Согласен	
Член комиссии	NIZAMOV FARXOD SANOYEVICH	Согласен	
Член комиссии	SODIQOV SHAVKAT VALIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	ISMATOV OYBEK NE'MATOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

